



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги  
“Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада  
тақомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ҳақида

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, ташкилий тузилмасини янада тақомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий соҳа ривожини янада рағбатлантириш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий-ҳомашё, ер-сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг манфаатларини химоя қилиш учун эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни самарали ташкил қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрь кунги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Мазкур қарор билан:

а) Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларини жорий қилиш;

вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари бўйича таркибий тузилмаларини тугатиш бўйича таклифлари қабул қилинганлиги;

0804.  
б) вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг янгиланган намунавий тузилмалари 1, 1а, 2, 2а-2г-илваларга мувофиқ;

маҳаллий ижроия ҳокимияти давлат органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони 3, 3а - 3г - иловаларига мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасини ушбу қарорда белгиланган талабларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш, янги тузилмаси ва бошқарув ходимларининг штат бирлигини тасдиқлаш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқармаси (М.Джуманиязов), Ташкилий-назорат гуруҳи (Р.Рысناзаров) ва ҳуқуқ маслаҳатчиси (Ж.Нарымбетов)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг янги тузилмасини ишлаб чиқиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳга тегишли маълумотлар (ҳужжатлар)ни вақтида тақдим этиш ҳамда янги тузилмани ишлаб чиқиш жараёнида фаол эштирок этиш топширилсин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг бошқарув аппаратининг янгиланган намунавий тузилмалари 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-илваларга мувофиқ ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 10 ва 11-илваларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда шаҳар ва туман ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг штатлар жадвалларини ушбу қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 27 февралдаги 47-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритсин, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиришни таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Ранси

К.Сариев

